ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 2 август № 30 (207) ● Сотувда нархи эркин



Тошкентдаги 54-АТС муҳандиси Вера ЧЕРКАСОВА алоқа соҳасида кўп йиллик иш тажрибасига эга. АТС жиҳозларининг бенуқсон ишлашида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● *Воқеалар* ● *Янгиликлар* ● *Хабарлар*

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини 29 август куни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди.**

● Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташқи ишлар ва Ахборот вазирликлари ҳамда Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси ҳамкорлигида араб тилига ўгирилиб, Байрутда нашр этилган эди. Мазкур китоб араб оламининг давлат ва жамоат арбоблари, олимлари ҳамда китобхонлари орасида катта қизиқиш уйғотди.

● **«Ўзбектелефильм» студияси Буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Амир Темур ҳақида бадиий-публицистик фильм яратишга киришди. Бу ҳужжатли картинанинг дастлабки лавҳалари Самарқандда суратга олинмоқда.**

● Грузияда фуқароларни рўйхатга олиш қонуни кучга кирди. Бу билан аввалги фуқароларни рўйхатдан ўтказиш қоидаси бекор қилинди.

● **Россия ташқи ишлар вазирлиги Шимолий Америка департаментининг иккинчи котиби Платон Обухов хорижий давлат фойдасига жосуслик қилишда айбланиб, ҳибсга олинди.**

● Аюб Ганич бошчилигидаги Мусулмон-Хорват федерацияси делегациясининг Белградга ташрифи кутилган натижаларни бермади. Музокаралар ниҳоясида почта ва телефон алоқасини ўрнатиш, Сароево ва Белградда ЮСР ва федерация савдо палаталарини очишга келишилди. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги шартномалар эса имзоланмади.

БЕПУЛ ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани ҳокимлиги уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга қулайлик яратди. Деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг кўпгина тармоқларида бундай кишилар ва оилаларга гуруч, ун, пахта ёғи каби озиқ-овқатлар ёрдам сифатида берилаётган эди.

Яқиндан бошлаб уларга телефон учун ойига тўлаб келинаётган 60 сўм ҳам бекор қилиниб, бепул телефон хизмати йўлга қўйилди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. Кравченко бошқарган навбатдаги йиғилишида «Алоқа соҳасида 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши» тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу борада Вазирликнинг иқтисодни бошқариш бўлими бошлиги М. Маҳмудов маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида маълумот берди.

Вазирлик тасарруфидаги алоқа корхоналари ўтган олти ойни яхши кўрсаткичлар билан якунлашди. Жумладан, алоқа корхоналари томонидан 5,3 миллион хатқорреспонденциялар, 15 минг жўнатмалар, 888,4 мингта шошилинчномалар етказиб берилди, 26,0 миллионта шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар амалга оширилди. Ўтган йилги ярим йиллик кўрсаткичларни жорий йилнинг олти ойлик якунларига таққосланса, соҳа ишлаб чиқаришида барқарорлик пайдо бўлганини пайқаш мумкин. Жойлардаги АТС ҳамда АМТСларнинг иш фаолияти сезиларли даражада ошди. Соҳа ишчиларининг сони асосан почта алоқаси ходимлари ҳисобига 2,4 фоизга камайди. Ўтган ярим йилликда ходимларнинг умумий ўртача иш ҳақи 2356 сўмни, жумладан почта корхоналарида 1756 сўмни (июнь ойида 2378 сўм), электралоқа корхоналарида эса 2613 сўмни (июнь ойида 2914 сўм) ташкил этди. Алоқа корхоналари томонидан кўрсатилган хизмат учун дебитор қарзлар жорий йилнинг июль ойига қадар 1,3 миллиард сўмдан зиёдроқ миқдорни ташкил қилади, бунда асосан электралоқа корхоналарининг дебитор қарзлари кўпдир. Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар марказининг дебитор ҳамда кредит қарзлари 5,96 миллион ва 6,77 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастур бўйича Тошкент, Наманган, Чирчиқ ва бошқа ҳудудларда алоқа воситаларини қайта таъмирлаш, тараққий эттириш ҳамда халқаро ТОЕ кабель магистралини қуриш учун 62,13 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Мана шу маблағлар эвазига ҳозир Тошкент шаҳрида 35 минг рақамга мўлжалланган телефон станцияси фойдаланиш учун топширишга тайёр ҳолатга келтирилди, 25 минг рақамли телефон станцияси қурилишида пайвандлаш ишлари олиб борилмоқда. Наманганда эса АТС-АМТС ва 61-АТСда 11 минг рақамли телефон станциялари фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг июнь ойига қадар Транс-Осиё-Европа кабель магистрали қурилишининг Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Олот йўналишида 140 километрлик шиша толали кабель ётқизилиб, 7,4 миллион немис дойче маркаси миқдоридаги ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг июнь ойида Вазирлар Маҳкамаси Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари давлат электралоқа корхоналарига Индонезиянинг «Бакри групп» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузиш учун рухсат берди. Ҳозирги кунда Республика давлат мулк қўмитасининг розилигини олиш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. «ДЭУ-Телеком» компанияси билан Фарғона, Андижон электралоқа корхоналари негизида қўшма корхона тузиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари имзоланди, Наманган ва Тошкент вилоятлари электралоқа корхоналарининг «Дойче Телеком» фирмаси билан қўшма корхона тузиш ҳақидаги лойиҳалари атрофлича ўрганилмоқда.

Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилояти давлат мулк қўмиталари билан келишувга мувофиқ, Тошкент таксофон алоқа корхонаси, Сирдарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда кўчма электралоқа воситаларидан фойдаланиш корхонаси очиқ турдаги Ҳиссадорлик Жамиятларига айлантирилди. Шу кунларда тегишли идоралар билан шартномалар тузиш, рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида шаҳарлараро, халқаро алоқа линиялари, умумий фойдаланишга мўлжалланган уяли радиоалоқа тармоқлари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомлар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Ҳукуматимизнинг корхоналар ва мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳақидаги қарорида кўрсатилган вазифаларни ўз вақтида бажариш етарлича таъминланмаяпти. Кўрсатилаётган алоқа хизматида сифат кўрсаткичлари ўсмай қолмоқда. Корхоналарнинг қониқарсиз иши тўғрисида 5 мингдан зиёд шикоятлар мавжуд, бу эътирозлар кўпроқ маҳаллий телефон алоқаси хизмати хусусидадир. Тузилаётган қўшма корхоналарнинг аниқ иш фаолиятини бошлаш учун узоқ муддат керак бўляпти.

Алоқа вазирлиги ҳайъати «Алоқа соҳасини 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг якунлари тўғрисида»ги маълумотларни тинглаб, бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Кўрилган масалалар юзасидан бўлган музокараларда Алоқа вазирининг ўринбосари А. Жўрабоев, «Ўзбекалоқаинвест» Ҳиссадорлик Жамиятининг раиси А. Тоғайалиев, «Ўзбекистон почтаси» концернининг раиси Р. Зикиров, Сирдарё вилояти давлат электралоқа корхонасининг бошлиғи В. В. Хам, Самарқанд ва Фарғона вилояти давлат почта алоқа корхоналарининг бошлиқлари А. Ғаффоров, Н. Каримовлар қатнашди.

Ҳайъат йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, электралоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бўйича ишларнинг бориши тўғрисида «Ўзбектелеком» концернининг раиси Т. Бикметов маъруза қилди. «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Зикиров концернда ўтказилган аттестация ҳақида ахборот берди. Мутахассис Ф. Худойқулов суғурта компаниясини ташкил қилиш хусусида ўз таклифини билдирди. Алоқа корхоналарини кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги ҳақида Ҳ. Шамсиев, «Алоқабанк»нинг фаолияти тўғрисида шу банк бошқарувининг раиси Ҳ. Бобоназаровлар сўзга чиқишди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

ҲОЖАТБАРОРЛАР

Урганч шаҳар почтамти жамоаси халққа хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, тармоқда ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу ҳусусда шаҳар почтамти бошлиғи Матрасул ОБДАЛНИЁЗОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Корхонамизнинг шаҳар ҳудуди ва «Наврўз» шаҳарчасида 9 та бўлими аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шаҳарнинг саноат зонаси, Айланма йўл ва бошқа ҳудудларида жойлашган 65 та корхона, ташкилотларига почта жўнатмалари ҳар куни эрталаб етказиб берилмоқда.

Айни пайтда жамоада 130 га яқин киши хизмат қилади. Уларнинг кўпчилиги узоқ йиллардан буён шу ерда муқим ишлаб келаётган тажрибали, ўз касбини севган инсонлардир.

Баъзи кишилардан «Собиқ Иттифоқ тарқаб, бозор иқтисодига ўтилгандан кейин почта хизматига зарурат ва эҳтиёж қолмаяпти», деган гапларни эшитишга тўғри келди. Республикамиз ҳукуматининг саъй-ҳаракати туфайли хорижий давлатлар билан иқтисодий-ижтимоий алоқалар йўлга қўйилгандан кейин юртимизга кўплаб хорижий сармоядорлар, ишбилармонлар кириб кела бошлашди. Шундан кейин яна почта хизматига талаб ва эътибор ошди. Ҳозирги пайтда корхонамиздан республикамиз вилоятлари, МДҲнинг бир қатор давлатлари ва АҚШ, Австралия, Германия, Туркияга ҳар куни кўплаб почта жўнатмалари юбориляпти ҳамда қабул қилиняпти. Почтамт ходимлари нафақа пулларини эгаларига ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Шаҳарда 15266 нафар пенсионер, 4320 нафақа олувчи бор. Почтачиларимиз пул олиниши заҳоти уни бевосита хонадонларга олиб бориб тарқатяптилар. Шундай қилиб, ўтган йилнинг ўзида жамоамиз аҳолига 4,2 миллион сўмли почта хизмати кўрсатди. Ҳар ойда ўртача 14 миллион сўм миқдорида нафақа пуллари тарқатилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, нафақа пулларини тўлаш учун почтага пул ажратилиши бирмунча пайсалга солинаётгани сабабли баъзан почтачи билан у хизмат кўрсатаётган кишилар ўртасида ҳар хил тушунмовчиликлар бўлиб турибди. Истардикки, бундай ҳолларга барҳам берилса...

Маълумки, бозор иқтисодига ўтиш бу ишда жиддий ислоҳотлар бўлишини, тежамкорликни тақозо этади. Ўз ишини давр талаби даражасида ташкил этолмаган жамоа қаттиқ панд ейиши кўпчиликка аён. Биз ҳам шундан келиб чиқиб ишимизда бир қатор жиддий ўзгаришлар қилдик. Республикамизда чоп этиладиган газета-журналларни ҳамда бошқа турдаги почта жўнатмаларини шаҳар ва туманларга Урганч шаҳар почтамти етказиб беради. Олдинлари бу нашрларни манзилларга етказиш учун автокорхоналардан юк машинаси ёллаб, уларга ойига 170 минг сўм ҳақ тўлардик. Шу йилдан бошлаб шаҳар автобус стацияси билан шартнома тузиб, газета ва журналларни муайян йўналишдаги автобусларда ташияпмиз. Бунинг учун бор-йўғи 50 минг сўм ҳақ кифоя. Демак ойига 120 минг сўм маблағ тежалмоқда. Почтамт раҳбари фойдаланадиган енгил машина хизматидан ҳам воз кечилди.

Кишиларни иш билан таъминлашни яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирлар кўрилаётир. Эндиликда почтачилар аҳолига газета-журнал, нафақа пуллари тарқатиш жараёнида улардан радионуқта ҳамда телефондан фойдаланганлик ҳақини ҳам йиғиб оладилар. Шу тўғрида вилоят электралоқа корхонаси билан тузилган шартнома жамоага ҳар ойда бир неча минг сўм қўшимча маблағ келтирмоқда.

Кишиларни ижтимоий муҳофаза этишни кучайтириш зарурлиғини ҳаёт тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, кишиларнинг тинч-фаровон ҳаёти ҳақида қайғуриш, бунга шарт-шароит яратиш савобли юмушдир. Биз шундан келиб чиқиб, ҳар ойда маошнинг 40-50 фоизи миқдорида мукофот, кўп йил ишлаганлик учун 20-40 фоиз устама ҳақ ва меҳнат таътилига чиқаётганларга ёрдам пули бераётирмиз. Тўй ва маъракага ўтказаётганларга ун, гуруч, ёғ берилади.

Узоқ йиллардан буён ишлаб, бутун кучи, ақл-заковати, тажрибасини корхона равнақига бахшида этаётган илғор ишчилар жамоада кўп. Оператор Йўлдош Обдалов, нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон ёшлар билан бир сафда ишлаб, уларга ўз тажрибасини ўргатаётган почтачи Саодат Шомуродова, унинг издошлари — Саодат Абдуллаева, Гулжон Машарипова, Рая Нурметова, обуна тўплаш жонкуяри Муҳаббат Мусобекова, ҳисобчилар Тўхтажон Бекжонова, Гулчеҳра Отамуродова ва бошқа кўпгина кишилар жамоа эришаётган ютуққа муносиб ҳисса қўшяптилар.

Корхона ишчи-хизматчиларининг малакасини ошириб бориш, уларни тармоқдаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида ҳар йили ходимларимиз малака ошириш курсларида ўқитиляпти. Корхонадаги барча ҳужжатларни расмийлаштириш давлат тили — ўзбек тилида олиб борилади. Ишончимиз комилки, жамоа аҳли халққа холис хизмат қилиш мақсадида тинмай изланиб, фаол ҳаракат қилаверади.

Суҳбатдош:
С. НОДИРМАТОВ,
Хоразм вилояти



09 хизмати ҳар бир телефон тармоғининг ўзига хос кўзгусидир.Чирчиқ шаҳридаги 09 хизмати телефончилари Раъно ТУРСУНОВА, Тамара ЛЕДЯЕВА ва Маргарита МАСЛЯННИКОВАларнинг ишидан абонентлар мамнун.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

МАҚСАД — СИФАТЛИ АЛОҚА

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолига кўрсатилаётган телефон алоқаси хизматини яхшилаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган.

Чилонзор телефон алоқа тармоғида линия мантўрларининг шаҳар кўрик-танлови бошланди. Танловга қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Танлов ҳайъати аъзолари мантўрлар хизмат кўрсатадиган ҳудудларда аҳолидан сўраб-суриштириб, алоқачиларнинг иши ҳақида қатор маълумотлар тўпладилар.

Мазкур танловнинг биринчи босқичи Чилонзор телефон алоқа тармоғида ўтказилиши рамзий маъно касб этади. Чунки айнан шу ерда Республикада биринчилардан бўлиб мижозлар билан иш юритишни яхшилаш мақсадида маҳаллий компьютер тармоғи фаолият кўрсатмоқда. ЭҲМ хотирасига мижоз ҳақидаги барча маълумотлар киритилган бўлиб, шикоят билан келган мижозлар қисқа вақт ичида ўзларини қизиқтирган барча саволларга аниқ жавоб оладилар.

Кўрик-танлов шаҳарнинг бошқа телефон алоқа тармоқларида ҳам босқичма-босқич ўтиб, 2 ҳафта давом этади.

Тадбир ташкилотчилари бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кўрик-танловнинг диққат-эътиборини мижозларга намунали хизмат кўрсатишга қаратдилар. Мусобақа қатнашчиларига ҳудудларнинг ҳолати, касбий маҳорати, меҳнатини илғор услубларидан фойдаланишлари каби анъанавий талаблардан ташқари, хизмат кўрсатиш маданияти, мижозлар билан муомала-муносабат каби мезонлар асосида ҳам баҳо берилади. Чилонзорнинг айрим мавзеларида истиқомат қилаётган мижозлар кўрик-танловда бевосита

О. АБДУСАЛОМОВ,
жамоатчи мухбиримиз

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ

Алоқа хизматини ривожлантиришда автожамланма ҳайдовчиларининг ҳам ҳиссалари беқиёсдир. Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли автокорхона жамоаси ўз зиммасига юклатилган вазифани қай даражада адо этяпти? Бу ҳақда автожамланма раҳбари Аввар БОБОЖОНОВ мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

Жамоамиз меҳнат аҳли ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай зиммаларига юклатилган вазифаларни бекамкўст адо этиб келмоқдалар. Айни пайтда жамланмамиз ҳисобида бўлган 36 та транспорт воситаларининг ҳар биридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бу транспорт воситалари билан вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси тасарруфидаги барча шаҳар ва туманлардаги мижозларга хизмат кўрсатиляпти. Биз билан ҳамкорликда меҳнат қилаётган алоқа тизими ишчилари ҳайдовчиларимизнинг сидқидилдан қилаётган хизматларидан миннатдор бўлишмоқда.

Жамланмамизда ўзининг кўп йиллик хизматлари билан обрў топган ҳайдовчиларимиз иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўзларига биркитилган транспорт воситаларини ҳар доим ҳаракатда бўлишини таъминламоқдалар. Махсус ишлаб чиқариш тажрибахона ҳайдовчиси Ғулом Убайдуллаев, навбатчи ҳайдовчи Акмал Акобиров, автобус ҳайдовчиси Облоқул Алиқулов, узоқ йўналишларга ҳаракат қилувчи КамАЗ ҳайдовчиси Ўктам Аввалбоев сингари ўз касбини жон-дилдан севган ҳайдовчиларимиз бу борада бошқаларга намуна бўлишаётир.

Жамоамизда 32 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 1600-1800 сўмни ташкил этмоқда. Ҳайдовчиларга ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилмоқда. Вақти-вақти билан улар мукофот пуллари ҳам олиб туришибди. Бундан ташқари ишчиларимизга имкониятдан келиб чиққан ҳолда бир қатор ғамхўрликлар ҳам кўрсатилмоқда. Масалан, шу кунларда жамоамизда ишчиларнинг 20 нафар фарзандларига дам олиш масканлари учун бепул йўлланмалар берилди. Улар вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Зоминнинг хушҳаво тоғ бағрида жойлашган «Алоқачи» дам олиш масканида мириқиб дам олишмоқда.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир жамоа раҳбаридан тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо қилади. Биз ҳам жамоамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб 25 квадрат метрли ёзги айвон қуриш ишларини ҳашар йўли билан олиб боряпмиз. Бундан ташқари жамланманинг маъмурий биносини ҳашар йўли билан таъмирлаш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси тизимида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилари билан вилоят электралоқа хизматини яхшилаш йўлида самарали ҳамкорлик қиляпмиз.

Суҳбатни жамоатчи мухбир Й. УРДУШЕВ ёзиб олди,
Жиззах вилояти

• Алоқа матбуот кўзгусида

ҲОЗИРЧА ҚАЛБАКИСИ АСЛИДАН ЗЎР

Германиядаги кўча телефонларини танга ўрнини босадиган пластмасса карточкаларга ўтказишган эди. Афсус...

Аввалига иш яхши кетди. Мижозлар кўчадан хориж билан бемалол гаплашишди. Ҳукумат хазинасига ҳам яхшигина даромад тушаётувди. Чунки ҳар карточканинг баҳоси 5-50 марка атрофида эди-да. Яқинда мамлакатнинг чайқов бозорларида ана шу карточканинг қалбакиси пайдо бўлди. У шундай усталик билан ясалганки, фойдаланган киши телефон-автоматга қўйиб, бемалол гаплашаверади, аммо пул тўламайди. Уни бозордан 300 маркага харид қилиш мумкин. Полиция маҳкамасидагилар телефон ускуналарини алдайдиган бу «кашфиёт» мамлакатнинг Шарқий қисмида тайёрланган дейишаяпти. Лекин улар шундай санъат-корона ясалганки, ҳозирча энг моҳир немис экспертлари ҳам бунга қарши бирор чора ўйлаб тополганлари йўқ.

МИЛЛИАРДЕР КОРПОРАЦИЯ

«Америка телефон энд телеграф компани» номли корпорация бир йил давомида энг катта соф даромад олишга эришган фирма ҳисобланади. 1981 йилнинг октябрь ойидан 1982 йилнинг октябрь ойига қадар корпорация ҳисоб рақамига келиб тушган соф фойда 7,6 миллиард долларни ташкил этган.

МЎЪЖАЗГИНА СОАТ-ТЕЛЕФОН

Японияда 70 граммли, яъни оддий пейжернинг вазнига тенг келадиган соат-телефон ишлаб чиқарилди. Мабодо бирор жойга қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, телефон рақамларини териб ўтиришга ҳеч ҳам ҳожат йўқ. Рақамларни овоз чиқариб айтсангиз кифоя. Мўъжизавий телефон-соатнинг ўзи бу юмушни бажариб, мушкулингизни осон қилади.

Абдураҳмон АКБАР
Усмон Носир мукофоти совриндори

ЁМҒИРГА ДЎНҒАН БЎЛУТ

ЁЗ ЁМҒИРИ

Ёмғирга дўнган булут,
Бошимга қўнган булут.
Ёзнинг ёзлиги сенга,
Наҳотки бўлди унут?
Чақмоқ чақиб, гўлдираб,
Қилаверма тўполон.
Кузнинг келаётгани,
Бизга шундоқ ҳам аён...

БОЗОРЧИЛАР

Баргин тўшаб тоғорага
Аяб-аяб жойладик.
Аяб-аяб узган эдик,
Аяб-аяб бойладик.
Бозорда ҳам кун
тиғи-ю
Уч, тўрт аридан аяб,
Савдомиз ҳеч
юришмади —
Ошгоҳгача сотдик гап.
Акам деди: — Бунақада
Чўнтакка пул тўлмайди.
Узумнимас, вақтимизни
Аямасак бўлмайди.
Шундан кейин олинглар
деб
Чорлайвердик харидор:
— Узумнинг энг зўри
бизда,
Келиб қолинг, узум бор!!!
— Қани?
— Мана!
— Қани?
— Мана!
Тинмасдан ҳа... ҳув...
ладик.
Ҳусайнини ана шундай—
Аямасдан пулладик.

ҚИЗЛАР

Кўриб қувнар кўзу дил,
Орасидан ўтмас қил,
Тўрт қиз — тўрт
опа-сингил,
Собиржоннинг қизлари.

Доим тоза, саришта,
Бир-биридан фаришта.
Тежамлидир ҳар ишда—
Собиржоннинг қизлари.

Бурро-бурро сўзлари,
Мунчоқдайин кўзлари,
Дадажонин ўзлари,
Собиржоннинг қизлари.

Дилларида ҳаяжон,
Умиду ҳадик бу он,
Кутишар янги меҳмон—
Собиржоннинг қизлари.

Кутганингиз бор бўлсин,
Чақалоқ шунқор бўлсин,
Сизга ука ёр бўлсин—
Собиржоннинг қизлари!

ЧОЛ ВА АЖАЛ

(Михись Василёкдан)

Боши оғриб, кўзи тиниб
Ўзини сезиб беҳол,
Ўтинини кўтаролмай
Ерга чўккa тушди чол.
«Бу қандай гап, азоб
билан
Топсам ҳануз нонимни.
Рози эдим ажал келиб
Олақолса жонимни...»
Чол шундай деб сўл
ёнига
Ўгирилса бир маҳал
Турар эди кўзларини
Унга тикканча Ажал...
— Кўрмайсанми,
— гўлдирар чол,
— Ўтин қурғур тошдай
зил,
Вақтинг бўлса, шу
сабилни
Кўтаришга ёрдам қил».

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ҲАФТА КУНЛАРИ ХОСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

ЯКШАНБА. Ниҳол ўтказмоқ ва иморат ибтидо қилмоқ учун яхшидур. Чунки худо таоло дунё халқларин ва иморатларин ул кунда ибтидо қилди.

ДУШАНБА. Сафар ва тижорат учун хайрлидир. Ўша кун Шуъайб алайҳиссалом тижорат учун сафар қилиб, кўп манфаатлар ҳосил қилди.

СЕШАНБА. Қон кунидир. Ҳазрати Ҳавво розиаллоҳу анҳо ул кун ҳайзли бўлдилар. Қобил Ҳобилни ул кунда ўлтирди, шунингдек, ўша кун Ҳазрат Жиржис ва Закариё ҳамда Яҳё алайҳиссаломлар қатл қилиндилар.

ЧОРШАНБА. Бу кун Фиръавн қавми бирла ғарқ бўлдилар. Чоршанбада олди-берди қилиш хосиятсиздир. Ўша куни тирноқ олиш манъ қилинган. Бироқ ҳаммомга бормоқ яхшидур. Қиёмдин сўнг ва асрдан аввал дуо қилса мустажоб бўлур.

ПАЙШАНБА. Ҳожат тиламоқ кунидир. Чунки ўша куни Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом Миср подшоҳининг хизматига бориб, кўп икром топиб, ҳожатлари раво бўлди. Яъни Миср подшоси Ҳожар розиаллоҳу анҳони Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга ато қилди. Ул кун подшоҳлар хизматига бормоқ кунидир.

ЖУМА. Никоҳ ва хутба кунидир. Ҳазрати Одам саловатуллоҳи ва саломуҳу алайҳи Ҳазрати Ҳавво розиаллоҳу анҳони ўша кун никоҳ қилдилар. Юсуф алайҳиссалом Зулайҳони, Сулаймон алайҳиссалом Билқисни жума куни никоҳ қилдилар.

Кимки жума куни тирноқ олса, ул одамни Худойи таоло барча иллатдин халос қилиб, шифо бераркан.

ШАНБА. Макруҳ ва фириб кунидир. Нечунки ўша куни Макка мушриклари Расул алайҳиссаломни Маккадин чиқармоқ маслаҳати учун жамъият қилдилар.

Бобоев Зиёвуддин Учқунович номига берилган 049816 рақамли «Якка тартибда меҳнат билан шуғулланувчи савдо қайд гувоҳномаси» йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ХАНДАЛАР

— Кеча мени шарманда қилдинг. Ҳамманинг олдида аҳмоқ дединг!
— Кечирасан, мен бунинг сир эканлигини билмабман.

* * *

— Жаннатда аёллар эркаклардан узоқроқ юрса керак-а?
— Ҳа, албатта, бўлмаса жаннат жаннат бўлармиди?

* * *

Бир қўпол одам дўстини ҳафа қилиб қўйиб, узр сўрапти:
— Ҳафа бўлма, биродар, лойимни шундай қоришган.
— Лойингни қоришга қоришипти-ю тепиб пиширишмапти-да...

* * *

— Дўстларим ниҳоятда кўп! Бироқ улардан ҳеч нарса сўрагим келмайди.
— Жуда хурсандман. Қўлингизни беринг, дўст бўламиз.

* * *

— Чекишнинг зарари ҳақида газетада босилган мақолани ўқидингизми?
— Ҳа, ўқидим.
— Қандай қарорга келдингиз?
— Газета ўқимасликка.

* * *

Бир киши ўта хасис қариндошининг уйида тураркан. Ундан сўрашипти:
— Қариндошинг овқатланаётганда ёнида кимлар бўлади?
— Фақат пашшалар.

* * *

Эр милицияга хотинининг йўқолгани ҳақида арз қилиб келипти.
— Хотинингиз қачон гойиб бўлганди?
— Беш йил аввал.
— Энди арз қиляпсизми?
— Биласизми, бунга ўзим ҳам энди зўрга ишоняпман...



• Китоб жавонингизга

«КЎНГИЛ МУЛКИ»

Яқинда «Адолат» нашриёти олим, журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ғуломхон ҳожи Ғафуровнинг «Кўнгил мулки» деб номланган бадиҳалар мажмуасини кўп нусхада босмадан чиқарди. «Кўнгил мулки»га кирган бадиҳаларда ҳар бир чин инсон учун энг азиз бўлган Ватан ва Адолат деб аталмиш илоҳий, улуғ неъматлар хусусида, шу тушунчалар негизини ташкил қилувчи тарихий хотира, тарихий сабоқ ва халқимиз тарихини яратиш ва уни зўр ҳурмат билан ўрганишнинг миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Муаллиф ҳалол, покиза одам қодир Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмасдан, мағрур бахтли ҳаёт кечириши, Адолат мезонлари аҳиллик билан ҳимоя қилинмаган, ўзлигини яхши танимаган юртда эса ҳеч қачон рўшнолик бўлмаслиги хусусида баҳс юритади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририят келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0472. 7863 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

* * *

8.30 «Тонгларга туташган наволар». Абдурасул Туломов.
8.50 «Табиат—ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.30 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
10.35 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.25 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Илм—узликни билмакдир». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Карнайгул». Мультфильм.
11.55 «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам».
12.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Сохибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Фақат қизлар учун!»
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Асака қалдирғочлари».
21.25 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.50 Оҳанглар оғушида. «Агар севсанг...»
22.05 «Бу оқшом...»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон ҳафталиги».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Клип-антракт».
21.05 «Кўръер».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55— 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Она замин гўзаллиги». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10—00.05

*

00.05—00.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Спорт-тайм».
20.05 «Жонли тил».
21.05 «5+1». Интервью.
21.30 Эълонлар.
21.35 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
22.25 «Зеҳн».
22.40 Эълонлар.
22.45 —22.55 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

* * *

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Сумалак» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Заргар».
9.35 «Булбулзабон суҳандон». Адабий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Қизиқарли учрашувлар». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри актёрлари билан учрашув.
11.30 «Бембининг болалиги». Бадиий фильм.
12.45 «Бешинчи довон».
13.20 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
13.30 «Онасан, меҳрибонсан». Мусиқий композиция.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эртак».
18.25 «Виждон». Телесериал.
19.10 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур». Тележурнал.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.45 «Замон».
21.55 «Касбга садоқат». Профессор Лола Ҳўжаева ҳақида телеочерк.
22.20 «Юртим жамоли».
22.35 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дурдона».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноингоҳ».
23.25— 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эски ҳужрада». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Қора сувсар изидан», «Кўзойнакли илон». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Спорт-дайджест».
21.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.40 «Савол-жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
22.10 Эълонлар.
22.15 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.45 «Дипкурьер».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Асрлар нидоси». Адабий кўрсатув.
9.00 «Икки эшик ораси». Публицистик кўрсатув.
9.30 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 «Ватанпарвар».
12.10 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм.
13.15 Футбол шарҳи.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.00 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Абадият қўшиғи».
18.45 «Замон билан ҳамнафас».
19.00 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Автолом».
21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.55 Шеърият лаҳзалари.
22.00 «Дубль».
22.10 «Жаҳон киноси қолдузлари».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ойдарани тарк этиб...» Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

**

18.10—20.35

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*


21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Жаҳон болалари».
20.10 «Дунё эшиги».
20.40 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
20.45 Эълонлар.
20.50 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.40 «Шарқ тафаккури».
22.10 Эълонлар.



22.15 «IV канал эксклюзиви».
22.45 «Юлдузлар жилоси».
23.05 «Тошкент оқшомида».
24.00 —00.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Кекса санъаткорлар».
9.05 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Афсонавий Бухоро». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Футбол майдонларида».
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.35 Хотира. «Карим Маҳмудов». Телеочерк.
12.00 «Алла айтинг, онажон». Мусиқий композиция.
12.30 Болалар учун фильм. «Кўринмас одам».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Жиноят ва жазо».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
18.55 «Акциядор лугати».
19.10 «Омонлик тилаймиз».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба».
21.25 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Одобнома».
21.50 Олтин мерос. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Молдавия шишалари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Кўриқхона ороллари», «Кошкар». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Саломатлик— туман бойлик».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Сеҳр».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Эколот-коктейль».
22.20 «Компьютер-ревю».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.35 — 23.45 «Кайрли тун!»

ЖУМА 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қўшиқларим Сизга армуғон». Гиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Чуст жилолари».
9.30 «Эл тинчлиги йўлида». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун фильм. «Имконият».
11.30 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
11.55 Санъат усталарининг концерти.
12.30 Ўйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мингти қолдузлар».
18.25 «Маслаҳат».
18.40 «Йигит омон бўлса...».
19.00 Бизнес ҳафта якунлари.
19.10 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 Эъзодаги қўшиқлар.
22.00 «Таниш ва номаълум».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чилангарлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.15—20.40

*

20.40 «Нарзанлар водийси». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Эл ҳикматида».
19.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Билиб қўйган яхши».
21.25 «Бу бўстон аро...».
21.55 Европа лавҳалари.
22.35 Эълонлар.
22.40 «Сирдошим».
23.00 «Жоним фидо, Сизга қўшиқлар».
23.35—23.45 «Хайрли тун!»

ШАНБА 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.

«Ёшлик»
студияси намойиш этади:

9.45 «Мен ёшликман».
10.45 «Онамнинг ўгитлари».
11.00 «Ғазалхон ёшлигим».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.50 «Пахтакор», 40 ёшинг муборак!».
12.10 «Мен ҳам талаба бўлмоқчиман».
12.30 «Сув ва сахро». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.25 «Маънавият» видеоканали.
14.25 — 15.00 «Пойтахт концерт залларида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Тарозу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.40 «Кўнгил».
22.00 Футбол. Осиё чемпионлари кубоги. «Нефтчи» (Фарғона) — «Ситора» (Душанбе).

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.45 «Заковат».
22.55 «Мўъжиза».
23.05 «Имкон чўққилари».
23.20 «Андоз». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Камертон».
9.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
9.40 «АРТ-журнал».
9.55 «Табиат дунёси».
10.45 «Автосалон».
11.05 «Хобби-холл».
11.20 «Кинонигоҳ».
13.00— 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 Ўйинчоқлар растаси».
18.20 Ҳужжатли кино экрани.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 — 23.20 «Муқаррам опа ва қирқ гўзал». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Умид».
11.30 «Сахий хонадонда».
12.00 «Рангинкамон».
12.30 — 14.00 «Даҳонинг ёшлиги». Болалар учун фильм.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Спорт-дайджест».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Оқшом эртаклари.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Шалом».
21.15 Адабий театр.
21.25 «Эсдалик учун дастхат».
21.50 Эълонлар.
21.55 Кининг Ватан асри. Луи де Фюнес «Оскар» фильмида (Франция).
23.15 Эълонлар.
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.30 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Бунёдкор». Қурувчилар кунига бағишланади.
14.00 — 15.00 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» саёҳати».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...». Мусиқий кўнгилочар дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера! М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» — «Навруз».
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 Ўйинчоқлар растаси.
9.30 Ҳужжатли кино экрани.
10.10 «Компьютер — Осиё».
10.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.00 «Видеогид».
11.20 Видео — «О».
13.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Дараҳчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.30 «Боланинг тили...»
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар».
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Трансюрт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқий майдонча».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан 1-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
22.10 «Дараҳчи».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео—«О».

III

16.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.05 — 21.45

*

Россия давлат телевидениеси
21.45—22.15

*

22.15 Эълонлар.
22.20—22.45 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
10.30 Эълонлар.
10.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.25 «Парле ву франсе?» Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Жонли сайёра».
12.30 Киносалон. «Бир вақтлар ёввойи гарбда».
15.10 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.40 «Оқ соя». Баҳодир Жалолов.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун».
19.15 «Телеташирф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. Ал Пачино «Карнито йўли» фильмида (АҚШ).
22.20 Эълонлар.
22.25 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Оқ соя». Баҳодир Жалолов.
24.00 «Сенинг вақтинг».
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!»

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).